

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018. Т/ФМ.61.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШИ ИНСТИТУТИ

НИШОНОВ ФАЙЗУЛЛО ХОЛМИРЗАЕВИЧ

**ГИДРАВЛИК ЗАРБАНИНГ ГИДРОИНШОТЛАР ВА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ КОМПЛЕКСЛАРИ ТУРГУНЛИГИГА ТАЪСИРИНИ
БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Нишонов Файзулло Холмирзаевич

Гидравлик зарбанинг гидроиншоотлар ва ишлаб чиқариш комплекслари
турғунлигига таъсирини баҳолаш усулларини такомиллаштириш..... 3

Нишонов Файзулло Холмирзаевич

Совершенствование методов оценки гидравлического удара на
устойчивость гидросооружений и производственных комплексов..... 21

Nishonov Fayzullo Xolmirzayevich

Improving the methods of assessment of hydraulic impact on the stability of
hydraulic construction and production complexes..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018. Т/ФМ.61.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШИ ИНСТИТУТИ

НИШОНОВ ФАЙЗУЛЛО ХОЛМИРЗАЕВИЧ

**ГИДРАВЛИК ЗАРБАНИНГ ГИДРОИНШОТЛАР ВА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ КОМПЛЕКСЛАРИ ТУРГУНЛИГИГА ТАЪСИРИНИ
БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.4.PhD/T848 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиши институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tiim.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худайкулов Савет Ишонкулович
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Наврұзов Куролбой
физика-математика фанлари доктори, профессор

Махмудов Эрназар Жумаевич
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.28.02.2018. Т/FM.61.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” “_____” соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-22-67; Факс: (99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiim.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган.) Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-22-67; Факс: (99871) 237-38-79.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.М.Мирсаидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, академик, т.ф.д., профессор

Б.А.Худаяров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

И. К. Хужаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қурилган сув омборларида ҳар йили кўплаб хавфли ҳолатлар содир бўлиши, гидротехник иншоотларнинг сув чиқариш қувурларида рўй берадиган гидравлик зарба натижада вужудга келган вибрация режимини аниқлаш, кавитация ва пульсация жараёнларида ҳосил бўладиган гидравлик зарбани камайтириш усуллари яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан, гидротехник иншоотлар ва ишлаб чиқариш комплекслари сув чиқариш тизимларининг гидравлик зарба таъсирида бузилишдан хавфсиз ишлашини таъминлаш учун қувурлардаги гидравлик зарбани башоратлашнинг ҳисоб усуллари ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ушбу йўналишда, ривожланган давлатларда жумладан АҚШ, Франция, Италия, Жанубий Корея, Россия ва бошқа давлатларнинг гидроэлектростанциялар, гидроузеллар ҳамда сув омборлари сув чиқариш қувурларида гидравлик зарбани ҳисобга олган ҳолда иншоотларни лойиҳалашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш, қувурларда содир бўладиган деформацияларни олдини олиш ва уларнинг ишончли эксплуатациясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда сув омборлари ва ишлаб чиқариш комплексларининг сув чиқариш қувурларида гидравлик зарба жараёнларини башоратлаш усуллари, ишончли ва самарали технологияларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий асослари яратилмоқда. Бу борада, жумладан юқори босимли гидроузелларни лойиҳалаш ва қуришда иншоотнинг ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлаш, сув чиқариш қувуридаги катта босимлар ўзгариши орқали юзага келувчи гидравлик зарба тўлқинларининг параметрларини ҳисобга олган ҳолда деформацияланиш жараёнларини камайтиришнинг янги усуллари ва конструкцияларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга гидротехник иншоотларнинг конструкцияларини такомиллаштириш, иншоотларнинг ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлаш, сув чиқариш қувурлардаги гидравлик зарба кучини ҳисоблаш усуллари такомиллаштириш зарур ҳисобланади.

Республикамызда ирригация мақсадлари учун сув омборларидан фойдаланиш ва реконструкция қилишга оид тадбирлар, жумладан сув чиқариш қувурларининг беҳатар ва хавфсиз ишлашини баҳолаш асосида гидротехник иншоотларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган, муҳандислик-коммуникация, ...қишлоқ жойларда тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича

мақсадли дастурларни амалга ошириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан ишлаб чиқариш комплекслари ва гидротехник иншоотларнинг сув чиқариш қувурларидаги гидравлик зарба муаммоларини замонавий усулларини яратиш ҳамда иншоотлардан фойдаланиш ишончилигини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш ва технологияларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида»ги Фармони ва 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2910-сон «2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида» ги Қарори, 2017 йил 25 сентябрдаги «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3286-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг XIV. «Сейсмология, бинолар ва иншоотлар сейсмик хавфсизлиги ва қурилиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўп фазали суёқликлар ҳаракати назарияси соҳасида жаҳондаги йирик тадқиқотчилар, жумладан Х.А. Рахматулин, Л.С. Лейбензон, Л.И. Седов, Г.И. Баренблатт, Ю.А. Буевич, С.С. Григорян, А.Н.Крайко, В.П. Мясников, С. Соу, Дж. Хаппел, Р.И. Нигматулин каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Юртимизда кўп фазали ўзаро киришувчан ва ўзаро таъсирлашувчан суёқлик аралашмаси соҳасининг ривожланишида бир қатор олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган, жумладан, академик Х.А. Рахматулиннинг кўп фазали муҳитлар механикаси учун ўзаро киришувчан, ўзаро таъсирлашувчан суёқликлар динамик назарияси ва модели яратилган. Д.Ф. Файзуллаев, Қ.Ш. Латипов, А.А. Хамидов, О.И.Умаров, Қ. Наврузов, С.И. Худайкулов, И.К. Хўжаев, З.М. Маликов, И.Н. Хусанов, Ш.Х. Ахмедов ва бошқалар бу соҳада турли йилларда аралашманинг хоссаси, заррачаларнинг чўкишини, заррачаларнинг геометрик ўлчамлари, шунингдек тўлқин характердаги таъсир ва ғовак муҳити билан қувурнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олувчи турли масалалар ўрганилган ҳамда маълум даражадаги ижобий натижаларга эришилган.

Бугунги кунда кўп фазали суёқликлар фазаларининг ўзаро киришувчанлиги ва ўзаро таъсир кучи етарлича ўрганилмаган. Гидротехник иншоотлар ва ишлаб чиқариш комплексларида гидравлик зарбанинг келиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида»ги Фармони

чиқиш сабаблари ва унга қарши конструкциялар яратишнинг илмий асослари ишлаб чиқилмаган. Ишлаб чиқариш комплексларидаги сув узатгичларда ва сув чиқариш қувурларида гидравлик зарба жараёнини кўп фазали суюқликлар методи орқали етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А.14-Т-134 «Гидроиншоотлардаги кавитация ва пульсация жараёнларининг пайдо бўлиши, шаклланиши қонунияти ва гидроиншоот турғунлигига таъсирини баҳолаш» (2012-2015), ва №ҚХА-14-002 «Кўп фазали суюқликлар методи орқали сув омборлари турғунлигини ошириш ва насос станциялари қўшма оқими параметрларини асослаш» (2015-2017) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишлаб чиқариш комплексларидаги сув узатгичларда ва сув ҳавзаларидаги гидравлик зарба жараёнини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш ва зарба кучи ва куч импульсларини баҳолашни кўп фазали суюқликлар усули орқали такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қувурлардаги суюқликлар аралашмаси гидравлик зарбаси таъсирининг математик модели ва дастурини ишлаб чиқиш;

сув омборлари сув ўтказиш қувурларида вужудга келадиган гидравлик зарбани келиб чиқишини асослаш;

гидрокучланмалар орқали ишловчи ишлаб чиқариш комплексларида гидравлик зарбанинг пайдо бўлиши шарти ва қонуниятларини ишлаб чиқиш;

гидравлик зарбадан гидротехник тизимлар ва муҳандислик коммуникацияларида фойдаланиш қонуниятларини ишлаб чиқиш;

гидравлик тараннинг янги ҳаволи қопқоқчалик 2000 л/сутка сарфли конструкциясини ишлаб чиқиш ва текис бўлмаган ерларга сув чиқариш усулларини ишлаб чиқиш;

Пачкамар сув омбори сув чиқариш қувуридаги маҳаллий қаршилиқлар орқали юзага келувчи катта босимлар ўзгаришини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасидаги сув ҳавзалари тизими, гидроиншоотлар ва ишлаб чиқариш комплексларини, Чимкўрғон, Пачкамар, Резаксой, Тўпаланг сув омборларининг сув чиқариш қувурлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини ишлаб чиқариш ва гидроиншоотлардаги сув чиқариш қувурлари ва гидротурбиналарда вужудга келадиган кавитация, пульсация ва гидравлик зарба масалаларини башоратлаш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида суюқлик ва газлар механикаси, математик моделлаштириш ва сонли усуллар, кўп фазали ўзаро

киришувчан ва ўзаро таъсирланувчан суюқликлар моделини ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқариш комплекслари ва гидротехник иншоотлар сув чиқариш қувурларидаги гидравлик зарба муаммолари кўп фазали ўзаро киришувчан ва таъсирланувчан суюқликлар модели орқали ечилган;

ишлаб чиқариш комплекслари ва гидротехник иншоотлар сув чиқариш қувурларидаги гидравлик зарба кучининг таъсирини камайтириш масаласининг математик модели ишлаб чиқилган;

сув ташлаш ва сув ўтказувчи қувурлардаги гидравлик зарбага олиб келувчи ногидравлик жараёнларни ҳисоблаш усуллари кўп фазали ўзаро киришувчан ва таъсирланувчан суюқликлар модели орқали такомиллаштирилган;

қувурлардаги суюқликлар аралашмаси гидравлик зарбаси таъсирининг математик модели дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юқори босим таъсирида турли конструкцияли қувурлардаги гидравлик зарбани ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган;

Пачкамар сув омбори сув чиқариш қувуридаги маҳаллий қаршилиқлар орқали юзага келувчи катта босимлар ўзгаришини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

сув омборининг хавфсиз ишлашида оқимнинг бехатар ўтишини таъминлаш учун сув омбори сув чиқариш қувурларидаги гидравлик зарба, кавитация, оқим пульсацияси ва деформацияланиш жараёнларини камайтириш усули ишлаб чиқилган;

гидроқучланмалар орқали ишловчи ишлаб чиқариш комплексларида гидравлик зарбанинг пайдо бўлиш шарти ва қонуниятларини аниқлаш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларини ушбу тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг натижалари билан таққосланганлиги, Ньютон, Рейнольдс ва Фруд критерийларини қаноатлантириши. Пачкамар, Резаксой сув омборлари сув чиқариш иншоотларининг гидравлик зарбага учраган қувурларидан олинган натижалар билан солиштирилганлиги ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сув омборини турғунлигини ошириш мураккаб қувурларда вужудга келадиган гидравлик зарба кучини аниқлашни кўп фазали ўзаро киришувчан ва таъсирлашувчанлигини ҳисобга олган ҳолда математик моделлаштириш назариясини ривожлантириш, кўп фазали суюқликлар хоссалари орқали юқори босимли қувурларни ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш ҳамда гидравлик зарба кучидан фойдаланган ҳолда поршенли

гидротараннинг назарий асосини яратиш учун берилган тавсияларни тадқиқ этишда қўлланилган илмий ёндашувларни такомиллаштириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гидротехник иншоотлардан чиқувчи катта босим остида юзага келадиган оқимда гидравлик зарба, кавитация ва пульсациянинг пайдо бўлишини ҳисобга олган ҳолда, қувур конструкциясига ўзгартиришлар киритиш усуллари яратиш ва қувур конструкцияси элементларида гидравлик зарбани ҳисоблаш усуллари ҳамда кавитация ва оқим пульсацияси, деформация жараёнларини камайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишлаб чиқариш комплекслари ва гидротехник иншоотлар сув чиқариш қувурларидаги гидравлик зарба кучини ҳисоблаш усуллари такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

сув омборларидаги юқори босим таъсирида турли конструкцияли сув чиқариш қувурларида рўй бераётган гидравлик зарбани ҳисоблашнинг такомиллаштирилган усули Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги корхоналарда, хусусан, «Ўзсувтаъмирфойдаланиш» республика бошқармасига қарашли Резаксой сув омборида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 февралдаги 02/27-122-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижасида гидравлик зарба жараёни 17-18%га қисқартириш, йиллик таъмирлаш ишларига сарфланаётган харажат мавжуд технологияга нисбатан 14-15%га камайтириш имконини берган;

Пачкамар ва Резаксой сув омборлари сув чиқариш қувурларида гидравлик зарбанинг пайдо бўлиши кавитация, оқим пульсацияси қувуридаги маҳаллий қаршиликлар орқали юзага келувчи катта босимлар ўзгаришини гидравлик ҳисоблаш усули Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига кирувчи «Сув омборларидан фойдаланиш» бошқармасига қарашли Пачкамар сув омборига жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 февралдаги 02/27-122-сон маълумотномаси). Натижада кўп фазали суюқликдаги фазаларнинг ўзаро таъсир кучи ва ўзаро киришувчанлик гидравлик зарба кучини 10-12%га камайтириш имконини берган;

сув омборларининг сув чиқариш қувурларидаги гидравлик зарба, кавитация ва оқим пульсацияси натижасида рўй берадиган деформацияларни камайтириш усули Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги «O'ZSUVLOYIHA» АЖнинг лойиҳалаш ишларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 февралдаги 02/27-122-сон маълумотномаси). Лойиҳалаш ишлари натижасида сув чиқариш қувурларини деформацион жараёнларни камайтириш, сув омборларини фойдаланиш самарадорлигининг 12%га ошириш имкониятини берган.

Ишнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 9 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, илмий ишнинг мақсади ва мақсадга эришиш учун асосий вазибалари шакллантирилган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва асосий амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги ҳақидаги маълумот ва диссертация тузилишига доир қисқа маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «Сув омборлари сув чиқариш қувурларида гидравлик зарбанинг пайдо бўлиши», деб номланган биринчи бобида қувурлардаги гидравлик зарбанинг пайдо бўлиши ҳақидаги илмий ишларнинг таҳлили келтириб ўтилган.

Пачкамар сув омбори сув чиқариш қувуридаги гидравлик зарбанинг келиб чиқиши, сув чиқариш қувурларда кавитация ва пульсация ходисаларидан бошланиши ўрганилди.

Гидравлик зарба тўлқинининг тарқалиши қувур материалининг қайишқоқлик даражаси ва қувур диаметрининг қувур қалинлигига нисбати орқали боғланган. Шунинг учун қувурда оқайтган сувнинг зарбаси ўзгармас бўлиб, оқим сарфига боғлиқ бўлмайди. Қуйидаги чизмада катта узунликдаги қувур задвижкасидаги оқим босимининг кўтарилиши диаграммаси кўрсатилган (1-расм).

Қаралаётган кўп фазали суюқликлар усули Пачкамар сув омбори сув чиқариш қувурларида, Тўпаланг сув омбори ва насос станцияларида гидравлик зарбани ҳосил қилувчи кавитациянинг пайдо бўлиши ҳамда муҳандислик коммуникациялари қувурларидаги гидравлик зарба таъсирининг физик жараёнини, зарба энергиясининг математик моделини кўп фазали суюқликлар учун узлуксиз тенгламаси, ҳаракатнинг сақланиш қонуни ва ҳолат тенгламалари орқали ёзилади.

Юқорида келтирилган тенгламаларнинг n орқали йиғиндисини ёзиб, аралашма учун узлуксиз тенгласини ёзамиз.



1-расм. Сув босимининг қувур деворлари қовушқоқлигига таъсири.

$$\frac{\partial \rho_n}{\partial t} + \text{div} \bar{V}_n = \sum_{S=1}^m I_{Sn}. \quad (1)$$

Тенгламадаги зичлик ўрнига аралашманинг зичлигини қўямиз: $\rho = \sum_{n=1}^m \rho_n$,

$\rho V = \sum_{n=1}^m \rho_n V_n$ - аралашма зичлиги ва тезлигининг ўртача қиймати,

$f_n = \frac{\rho_n}{\rho}$ аралашма n -чи фазасининг ҳажмий концентрацияси: $\sum_{i=1}^n f_i = 1$.

Графикдан маълумки, Фруд сони Fr камайиши билан нисбий босим фарқи $\frac{\Delta \eta_n}{h_1}$ асимтотик равишда нолга яқинлашади. Фруд сони Fr ортиши билан

нисбий босим фарқи $\frac{\Delta \eta_n}{h_1}$ ўзгариши катта бўлиб, θ га боғлиқ равишда

ўзгаради: θ қанча катта бўлса, босим фарқлари ҳам шунча кичик бўлади. Энергия йўқолиши туфайли босим фарқларининг ортиши кузатилади ва

$\frac{\Delta \eta_n}{h_1}$ нолга, яъни энергия йўқотилмасдан олдинги ҳолатдан тезроқ

яқинлашади. Оқимнинг сиқилиши натижасида энергия йўқолиб, сатҳ чизиғи


кўтарилади. Оқим бурилиши вазиятида босим фарқлари $\frac{\Delta \eta_n}{h}$ Фруд сони

Fr орасидаги боғлиқликни ёзамиз (2-3 расм).

Тўғри бурчакли кўндаланг кесимга эга бўлган ўзанининг бурилишида оқим тезлиги қуйидаги тарқалиш қонуни орқали ёзилди:

$$\frac{c}{r^m} = \bar{V}_s. \quad (2)$$


Бу ерда: \bar{V}_s - бурилиш марказидан r - масофада жойлашган чуқурлик бўйича ўртача тезлик; m - даража кўрсаткичи бўлиб, $\frac{\lambda b}{h}$ комплексга боғлиқ равишда ўзгарувчи бурилиш эгрилиги, $m = 1$ дан $m = \frac{1}{2}$ гача ўзгарганда юзлар қонунига бўйсинади.



2-расм. Резаксой сув омбори I-сув чиқариш қувурининг бир онда кенгайиш қисмидаги $\Delta\eta_1/h_1$ ва Fr_1 орасидаги боғлиқлик.

--- $\xi = 0$. — $\xi_x = (1 - \Omega_1/\Omega_2)^2$ - - - $\xi_{сжк} = 0,5(1 - \Omega_1/\Omega_2)$

_____ натижалар муаллифники



3-расм. Резаксой сув омбори I-сув чиқариш қувурининг бурилиш қисмидаги $\Delta\eta_1/h_1$ билан Fr_1 орасидаги боғлиқлик.

_____ натижалар муаллифники

Резаксой сув омборида гидравлик зарба туфайли вужудга келадиган зарба импульсининг келиб чиқиши тадқиқот қилинган. Муҳандислик коммуникациялари ва гидротехник иншоотларидаги зарба импульсининг тарқалиши қонунияти моделлаштирилиб, зарба тарқалиши ва босим ўзгаришидаги боғлиқ қонунияти аналитик формулалар орқали ифодаланган.

Юқорида келтирилгандек, гидравлик зарба жараёнида асосий масала бўлиб, босим ва тезлик ўзгариши, бу ўзгаришлар натижасида пайдо бўлган зарба импульсининг аналитик формуласи келтирилиб, зарба кинетик энергиясининг пасайишига қувурдаги мембрананинг таъсири баҳоланади ва зарбанинг қувурда тарқалиш қонуниятининг ўзгариши ўрганилди.

Худди юқорида келтирилгандек, сув омборлари сув чиқариш қувуридаги гидравлик зарба кучи импульсининг ўзгариши қонунияти тадқиқот қилинади ва гидравлик зарба кучи баҳоланади.

Гидравлик зарбанинг асосий масаласи сув чиқариш қувурларидаги босим ўзгаришининг зарба импульсига таъсири деб қаралиб, тезлик ўзгариши билан боғлиқлиги ўрганилди ва сув кўтариш қобилиятининг босимга

боғлиқлик қонунияти топилди. Н.Е. Жуковский назариясига асосан гидравлик зарбадаги асосий жараён босимнинг бир онда ўзгаришига боғлиқ бўлиб, суюқлик қовушқоқ бўлмаб, сиқилувчан бўлганда Гук қонунига асосан ўзгариши кўрсатилди ва бу тадқиқот натижасида, қувурни абсолют қаттиқ материалдан ясалган деб олинди ва H напорли оқимнинг тезлиги топилди.

Диссертациянинг «Гидравлик зарбанинг саноат корхоналари ва муҳандислик коммуникацияларидаги сув юритувчи қурилмаларида пайдо бўлиши масалалари» деб номланган иккинчи боби, дисперс аралашмаларда ҳосил бўладиган гидравлик зарба масаласининг гидротехник иншоотлар ва муҳандислик комплексларидаги ишчи суюқлик аралашмадан иборат ҳаракати таҳлил этилади.

Суюқликнинг гидроқурилмалардаги ва ишлаб чиқариш комплексларидаги ҳаракат қонуниятининг математик моделининг баъзи ҳоссалари, уюрмаларнинг вужудга келиши ва гидравлик зарбага таъсири ўрганилди.

Маълумки, сув чиқариш қувурларидаги ва гидроускуналардаги асосий бузилишлар гидравлик зарба туфайли содир бўлади. Лекин бу зарбанинг келиб чиқишини кузатиш учун систематик равишда кузатувлар олиб бориш шарт.

Назарий билимлар ва тадқиқотлар гидравлик зарба ҳодисасини олдиндан башоратлаш имконини беради. Олдиндан башоратлашни амалга ошириш учун қувур кўндаланг кесим юзаси кам ўзгарувчан, суюқлик аралашмасининг зичлиги ўзгармас $\rho = const$ деб фараз қилиб, туташ муҳит тенгламасидан қуйидаги тенгламани оламиз:

$$\rho \frac{\partial Q}{\partial l} = \frac{\partial \omega \vartheta}{\partial l} = \rho \omega \frac{\partial \vartheta}{\partial l} + \rho \vartheta \frac{\partial \omega}{\partial l} \approx \rho \omega \frac{\partial \vartheta}{\partial l}. \quad (3)$$

Физик жараёнлар шуни кўрсатадики, суюқликнинг қувурдаги тезланиши қувур кўндаланг кесими ўзгаришига нисбатан жуда катта, яъни қуйидаги тенгсизликлар маънога эга бўлади:

$$\omega \frac{\partial \vartheta}{\partial l} \gg \vartheta \frac{\partial \omega}{\partial l}. \quad (4)$$

Юқорида келтирилган туташ муҳит тенгламасидаги иккинчи тенгликдан қуйидагини оламиз:

$$\rho \frac{\partial Q}{\partial l} \approx \rho \omega \frac{\partial \vartheta}{\partial l}. \quad (5)$$

Қувурнинг конструкциясига кўра, унинг кўндаланг кесими доирадан иборат бўлади, шунинг учун:

$$\rho \frac{\partial \omega}{\partial t} = \rho \frac{\partial (\pi r^2)}{\partial t} = 2\pi r \frac{\partial r}{\partial t}. \quad (6)$$

Муҳандислик коммуникациясидан маълумки, қувурнинг чўзилиши қайишқоқлик E модулига боғлиқ бўлиб, Гук қонунига, Мариотт формуласига асосан қуйидагига тенг:


$$\frac{\partial r}{\partial t} = \frac{r}{E} \frac{\partial \sigma}{\partial t} \quad (7)$$

Бу ерда:

$$\sigma = P \frac{D}{2l} \quad (8)$$

Оркали ажратувчи куч таъсиридаги суюқликнинг қувурдаги стационар ҳаракатида напорнинг тўлиқ ўзгаришини топамиз.

Кўп фазали суюқликлар оқимининг сув юритувчи ускуналар қувурларидаги кўп фазали суюқликларнинг ҳаракатини моделлаштириш шартлари келтирилади. Гидротаран қурулмасининг иш жараёни тадқиқ қилиниб, ундаги АВ бассейн билан боғланувчи қувурдаги гидравлик зарбадан фойдаланиш жараёни қаралди. Қувурдаги В тешикнинг бир онда очилиши эвазига очилиш жараёнида пайдо бўлган зарба туфайли суюқликнинг кўтарилиши ўрганилди (4-расм).



4-расм. Инерцион босим.

Агар қаралаётган соҳани туташ соҳа деб қарасак, соҳанинг ҳар бир нуқтасида \mathcal{G}_n векторларга эга бўламизки, шу нуқталардаги зичликлар эса мос равишда ρ_n . Туташ муҳитнинг ўртача тезлигини \mathcal{G}_n деб олсак ва уни бутун муҳитнинг ҳажмий массаси бўйлаб текис тарқалган деб оламиз ва муҳитда қатнашаётган ҳар бир фазанинг ҳақиқий зичлигини ρ_{ni} деб белгилаймиз. Туташ муҳитнинг ўртача тезлиги ρ_n учун Ломоносовнинг сақланиш қонунининг Эйлер кўриниши қуйидагича ёзилади:

$$\frac{\partial \rho_n}{\partial t} + \text{div}(\rho_n, \mathcal{G}_n) = 0 \quad (9)$$


$$(n = 1, 2, \dots, N) \quad (10)$$

Туташ муҳит назариясига асосан қилиган экспериментал ишлар асосида «Поршенли гидротаран» ихтиро қилинди ва сув чиқиши қийин бўлган ҳудудларда, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли ташкилотларда ишлатишга тавсия этилди (Поршенли гидротаран. № IAP 20130362. 10.07.2018 й № 01-09/1843)

Гидроқурилмаларнинг бир жинсли деформацияланмайдиган қувурларида суюқликни ҳайдаш қонуниятлари тадқиқот қилинди ва гидравлик зарбадан фойдаланиш қонуниятлари кўрсатилиб, бу жараён

асосида янги конструкцияли гидротаран камерасида ва қувурларида аралашма ҳаракати масалалари қаралди. Бунда қувурдаги суюқлик ҳаракати стационар деб ҳисобланди.

Зарба кучи босимининг гидротаран қурилмасида тарқалиш қонунияти тадқиқот қилиниб, гидравлик зарба нафақат носозликларни келтириб чиқариши, балки сувни сув чиқмайдиган ерларга чиқаришга фойда ҳам келтириши мумкинлиги кўрсатилди. Сув кўтариш учун гидравлик зарба кучидан фойдаланиб, махсус гидротаран яратилди. Катта босим чегарасидан фойдаланиб, юқори босим зарба орқали вужудга келади ва у таран қувури бўйлаб тарқалади (5-расм).



5-расм. Краннинг бир онда ёпилишида босим тарқалиш чизиғи.

Зарба кучининг қайтган қисми зарбали тўлқинни вужудга келтириб, зарба қисмидаги зичлиги ўзгармас бўлган сувни юқорига кўтаради.
 $p_e = const$.

Зарба тарқалишининг физик моҳиятини тушуниш учун қувурдаги суюқлик учун импульслар тенгламасини ёзамиз.

$$m(\mathcal{G}_{кон} - \mathcal{G}_{нач}) = P\Delta t. \quad (11)$$

Бу ерда: масса $m = \rho\omega$; зарба урилишидаги тезлик $\mathcal{G}_{кон} = 0$, бошланғич тезлик $\mathcal{G}_{кон} = \mathcal{G}_{нач}$, ω -қувурнинг кўндаланг кесими юзаси. Юритувчи натижавий куч:

$$P = P_1 - P_2 = p\omega - (p + \Delta p)\omega = -\omega\Delta p, \quad (12)$$

биринчи фаза вақти: $\Delta t = \frac{l}{c}$ га тенг бўлади.


Диссертациянинг «Сув ва иссиқлик таъминоти тизимларидаги гидравлик зарбани ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш» деб номланаган учинчи боби гидравлик зарбадан гидроиншоот ва муҳандислик коммуникациялари тизимларида фойдаланишнинг усуллари ишлаб чиқилган.

Кўп фазали суюқликлар усулини қўллаб, совуқ сув ва иссиқлик таъминоти тизимларидаги қувурларда суюқлик ҳаракати давомида гидравлик зарбанинг пайдо бўлишини башоратлаш усуллари таклиф этиш қаралди.

Суюқликларнинг гидравлик зарба ҳосил бўлиши мумкин бўлган қувурларидаги ҳаракати эмпирик формулаларгагина таяниб эмас, математик моделлаштирилиши усуллари орқали кўрсатилиб, гидравлик параметрлар ва коэффициентларни топиш орқали гетероген аралашмалар деб моделлаштирилди ва кўп фазали муҳитлар модели қўлланилди.

Қаралаётган масалаларга Х.А. Рахматулин моделининг қўлланилиши муҳим аҳамият касб этади ва ҳаракат тенгламаси кўп фазали муҳитлар учун ёзилади. Ҳаракат тенгламаси мураккаб жараёнларни моделлаштиришда ишлатилади.

Диссертацияда турар-жой комплексларига насос орқали сув узатилганда насоснинг сўриш баландлиги ва қувурларидаги гидравлик зарба масалалари қаралди. Гидравлик зарбанинг келиб чиқиш сабаблари текширилиб, қурилиш комплексларидаги ва юқори қаватли уйлардаги қувурларда гидравлик зарбанинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилди. Агар турар-жой биноларининг юқори қаватига сув насослар орқали етказиб берилса, электр тармоғида бўлган бирор узилиш натижасида гидравлик зарба пайдо бўлиб, ички босим насослар ёки юқорига ўрнатилган резервуарлар орқали ҳосил бўлади. Насос орқали бирор резервуардан сув тортилса, насоснинг сўриш қуввати ва сўриш баландлигини билиш масаласи қаралади (6-расм).



6-расм. Турар-жой биноларига напорли сув тарқатиш.

Қилинган тадқиқотларнинг кўрсатишича, пьезометрик сатҳнинг энг катта кўрсатиши напорни ҳосил қилувчи қурилманинг қўйилган жойи ҳисобланади. Баъзи бир ҳолларда эса пьезометрик сатҳнинг энг катта кўрсатиши қувурдаги ишчи босимга, қувурнинг ўлчамларига, қувурдаги суюқликнинг ҳаракат тезлигига, қувур материали ва суюқликнинг қовушқоқлигига боғлиқ бўлиб, босимнинг пасайиши туфайли қувурдаги босим атмосфера босимига тенг ва ундан кичик бўлиши мумкин. Қувурдаги босим атмосфера босимидан кичик ҳолларда кавитация ҳодисаси вужудга келишига шароит яратилади.

Гидравлик зарбанинг урилиш вақти ва зарба туфайли сув сақланувчи қувурнинг сувдан бўшаш вақтини аниқлаш масалари қаралиб, Тўпаланг, Пачкамар сув омборларидаги кузатувлардан келиб чиққан маълумотлар билан солиштирилади. Сув омборларидаги сув чиқарувчи қувурларда юзага келадиган гидравлик зарба, ҳаволи пуфакчаларнинг пайдо бўлиши, суюқликнинг ҳаво ютиши каби ҳодисалар тадқиқ этилиб, бу ҳодисаларни моделлаштириш учун Бернулли тенгламасини икки фазали муҳит учун ёзамиз:

$$\begin{aligned} p_0 + \frac{1}{2} \rho_{1i} \Lambda \mathcal{Q}_{cm}^2 + \rho_{2i} \left(f_1 + f_2 \frac{\rho_{2i}}{\rho_{1i}} \right) gz = \\ = p_0 + \frac{1}{2} \rho_{1i} \Lambda \mathcal{Q}_{cm}^2 + \lambda_{cm} \frac{z}{d} \rho_{1i} \Lambda \mathcal{Q}_{cm}^2 + z \rho_{1i} \left(f_1 + f_2 \frac{\rho_{2i}}{\rho_{1i}} \right) \frac{d\mathcal{Q}_{cm}}{dt}. \end{aligned} \quad (13)$$

бу ерда:

$$\Lambda = \left(f_1 + f_2 \frac{\hat{\rho}}{\hat{\rho}-1} \right)^2 \left[\frac{1-(1-\hat{\rho})f_1}{f_1(1-f_1)} j \right], \quad (14)$$

$$\rho = \frac{\rho_{2i}}{\rho_{1i}}; \quad (15)$$

ρ_1, ρ_2 - биринчи ва иккинчи фазалар зичликлари; $\mathcal{Q}_1, \mathcal{Q}_2$ - биринчи ва иккинчи фазалар тезликлари.

Гидравлик зарба моментининг $\exp\left(\frac{\tau_T}{A}\right) > 1$ бўлган ҳоли учун, гидравлик зарба таъсир вақтини топамиз:

$$\tau_T = A \ln \left[e^{1l} + \sqrt{\exp 2l - 1} \right]. \quad (16)$$

Бунда гидравлик зарба вақтида V резервуарининг тўлиқ бўшаш вақтини белгиловчи ифодани топиш мумкин:


$$T = \sqrt{\frac{2H_0}{g}} \Lambda_0. \quad (17)$$

Гидравлик зарбанинг ва бу зарба иштирокида сув йиғиш резервуарининг бўшаш вақти сувнинг таркибига ва сув таркибида қатнашаётган фазаларнинг концентрацияси, зичлигига боғлиқ бўлиб, логарифмик қонуниятга бўйсинади:

$$\Lambda = \left(f_1 + f_2 \frac{\hat{\rho}}{\hat{\rho} - 1} \right)^2 \left[\frac{1 - (1 - \hat{\rho}) f_1}{f_1 (1 - f_1)} j \right], \quad (18)$$

$$\rho = \frac{\rho_{2i}}{\rho_{1i}}; \quad (19)$$

Диссертациянинг «Гидравлик зарбанинг техника ва ишлаб чиқаришда қўлланилиши» деб номланган тўртинчи бобида поршенли гидротаран қурилмасининг гидравлик зарба тўлкинидан фойдаланиб, турли деформация кучларига таъсирини назарий ва амалий ишларининг аналитик таҳлили келтирилган (7-расм).



7-расм. ПГТ-3 гидравлик таранининг умумий кўриниши.

Сув манъбаси (1), босим қувири (2), корпус (3), сув хайдовчи клапин (4), зарба клапини (5), ҳаво қопқоғи (6), поршенли механизм (7), узатувчи қувур (8), сувни истеъмол қилиш жойи (9).

Сууюқлик аралашмасининг муҳандислик қувурларидаги ва гидротехник иншоотларнинг сув чиқариш қувурларидаги аралашма оқимида юзага келган гидравлик зарба кўп фазали сууюқликлар модели орқали ўрганилди. Маълумки, катта ва интисив равишда берилган зарбаларда сууюқликнинг турли фазалари турлича ҳаракатланади, турли деформация кучлари вужудга келади.

Гидравлик тараннинг техника ва ишлаб чиқаришдаги қўлланиши келтирилган бўлиб, биринчи бўлимда сув хўжалигида қўлланиши ёритилган.

Бунда қувурдаги ҳаракатланаётган кўп фазали сууюқликнинг бир онда тўхтатилиши (қувур вентилининг ёпилиши) ёки ҳаракатга келиши (қувур вентилининг очилиши) натижасида юзага келадиган гидравлик зарбадаги сууюқлик тезлигининг бир онда катта қийматга эга бўлиши тадқиқ қилинади.


Шу тадқиқот асосида гидравлик зарба тўлкинидан фойдаланиб қурилган гидротараннинг иш принципи ва иқтисодий самараси келтирилади.

Қурилиш комплексларининг юқори қаватли уйлардаги қувурларда юзага келадиган гидравлик зарба характеристикалари ва қонуниятлари ўрганилди.

Задвижка очилиши билан зарбали суюқлик ҳаракатга келади. Бу ҳаракат ностационар ҳаракат бўлиб, узунлик бўйича напор йўқолишини ўз ичига олган ва инерцияли ҳади мавжуд бўлган Бернулли тенгламаси орқали ёзилди.

Поршенли гидротаран қувиридаги кичик қўзғалишларнинг қувур бўйлаб тарқалиши қонуниятлари келтирилди. Гидротаран қувиридаги кичик қўзғалишларнинг физик жараёни таҳлил қилиниб, тарқалиш қонуниятлари берилди.

Гидротаранни эксплуатация қилиш мобайнида қувурнинг критик нуқтаси топилиб, кавитацияга мойил нуқтаси аниқланди. Критик нуқтаги босим тезлик ортиши билан камайиб, атмосфера босимидан кам бўлганда кавитация пайдо бўлади.



8-расм. Гидротаран қувурларида кичик қўзғалишларнинг тарқалиш схемаси.

Қувур бўйлаб (8-расм) зарбанинг тарқалиши максимум нуқтаси топилади. Пульсация жараёни қувур деворларига катта куч билан урилиши натижасида қувур деворларда ёриқлар, қувурнинг уланган жойларида узулишлар вужудга келадиги, бу хавфсизлик қоидаларидан четланишга олиб келади.

ХУЛОСАЛАР

«Гидравлик зарбанинг гидроиншоотлар ва ишлаб чиқариш комплекслари турғунлигига таъсирини баҳолаш усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси (PhD) бўйича олиб борилган ишланишлар асосида қуйидаги хулосалар қилинган:

1. Суюқликларнинг турли конструкцияга эга қувурлардаги ва очик ўзанлардаги оқимлари қаралиб, суюқликлар фазалари орасидаги ўзаро киришувчанлик ва ўзаро таъсир ўрганилиб, гидравлик зарбанинг пайдо бўлиш сабаблари шарти ва қонуниятлари ишлаб чиқилган.

2. Катта босим берилганда суюқликнинг тезлиги, ҳаракат характеристикаси ўзгариши қаралиб, суюқлик фазалари орасидаги ўзаро таъсир ва киришувчанлик характерлари текширилди. Фазаларнинг ҳақиқий зичликлари ўзгариши қонуниятлари ишлаб чиқилган.

3. Суюқликларнинг кўп фазали ўзаро киришувчан ва ўзаро таъсирлашувчан модели ва назарияси асосида гидро тараннинг янги конструкциясини яратиш имконини беради.

4. Пачкамар ва Резаксой сув омборлари сув чиқариш қувуридаги маҳаллий қаршиликлар орқали юзага келувчи катта босимлар ўзгаришини аниқлаш усули асослаш имконини беради.

5. Пачкамар ва Резаксой сув омбори сув чиқариш қувурларидаги гидравлик зарба, кавитация ва оқим пульсацияси, қувурларининг деформация жараёнлари баҳоланиб, сув омборини хавфсиз ишлашида оқимни беҳатар оқиш қонуниятлари ишлаб имконини беради.

6. Сув чиқариш қувурлардаги гидравлик зарба кучини кўп фазали суюқликлар методи орқали ҳисоблашда содир бўлиши мумкин бўлган бузилиш ҳолатларини олди олиниши ва сув омборини эксплуатация қилишда иншоотларни ишчи ҳолатда сақлаш ва ишлатиш имконини беради.

7. Фазалар концентрациялари ва зичликларининг ўзгармаслиги ҳар бир фаза учун маълум ўзаро таъсир кучлари орқали баҳоланиши асосланиб, кўп фазали суюқликдаги ўзаро таъсир гидравлик зарба кучини 10-12%га камайтириш имконини беради.

8. Сув омборлари турғунлигини ошириш ва нанос станциялари қўшма оқими параметрларини асослашда, фазаларнинг ўзаро таъсирланиши ва киришувчанлигини ҳисобга олган ҳолда сув чиқариш қувурларидаги гидравлик зарба жараёни 17-18%га қисқартириш, йиллик таъмирлаш ишларига сарфланаётган харажат мавжуд технологияга нисбатан 14-15%га камайтириш имконини берган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ
DSc.28.02.2018.T/FM.61.01 ПРИ ИНСТИТУТА МЕХАНИКИ И
СЕЙСМИЧЕСКОЙ СТОЙКОСТИ СООРУЖЕНИЙ И ТАШКЕНТСКИЙ
ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

ТАШКЕНТСКИЙ АРХИТЕКТУРНО – СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

НИШОНОВ ФАЙЗУЛЛО ХОЛМИРЗАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ОЦЕНКИ
ГИДРАВЛИЧЕСКОГО УДАРА НА УСТОЙЧИВОСТЬ
ГИДРОСООРУЖЕНИЙ И ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ
КОМПЛЕКСОВ**

01.02.05 - Механика жидкости и газа

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.4. PhD/T848

Диссертация выполнена в Ташкентском архитектурно-строительном институте

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tiame.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Худайкулов Совет Ишонкулович
доктор технических наук

Официальные оппоненты:

Наврузов Куролбой
доктор физико-математических наук, профессор

Махмудов Эрназар Жумаевич
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.28.02.2018.T/FM.61.01 при Институте механики и сейсмостойкости сооружений и Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кари Ниязий, 39, зал заседаний – __. Тел.: (99871) 237-46-68; факс: (99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер __). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кари Ниязий, 39, зал заседаний – __. Тел.: (99871) 237-46-68; факс: (99871) 237-38-79.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года.)

М.М. Мирсаидов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор, академик

Б.А. Худаяров

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н.

И.К. Хужаев

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Гидротехнические сооружения во всем мире подвергаются разным разрушениям вибрации вызываемым гидравлическим ударом в водопроводящих и водовыпускных трубопроводах систем. Вопрос нахождения методики об уменьшении гидравлического удара вызываемых кавитацией и пульсацией течения является одним из актуальных задач. Поэтому разработка методики безопасности и разработка численных методов прогнозирования в гидротехнических сооружениях и в водовыпускных системах производственных комплексах имеет особенный характер в деятельности эксплуатации. По этому направлению в высоко развитых странах как США, Франция, Италия, Бразилия, Южная Корея, Россия и других государствах проводится интенсивная работа по созданию проектов с минимальным появлением гидравлического удара в водовыпускных и водопроводящих трубопроводах. Поэтому сохранение от гидравлического удара и деформации трубопроводов гидротехнических сооружений, инженерных коммуникации и их безопасная эксплуатация является одной из основных и сложных задач сегодняшнего дня и обращает на себя особое внимание.

Особенное внимание в мире обращают на научную основу методик надёжного прогнозирования гидравлического удара водовыпускных гидротехнических сооружениях и системах инженерных коммуникациях порождающий пульсацию и необходимость разработки эффективной технологии. Разработка эффективной технологии основывается в создании управлении в трубопроводах давлением по сравнению с давлениями паражидкостных потоков, что является причиной для условий появления кавитации. В развитых стран мира при проектировании и строительстве высоко напорных гидроузлов особенное внимание направлено на безопасность этих сооружений. Безопасность сооружений осуществляется ликвидацией больших скоростей в местах местных сопротивлений водовыпускных трубопроводов. В этих особых точках порождаются кавитация и пульсация потока, которые приводят к деформации трубопроводов водовыпускных сооружений.

В настоящее время в нашей Республике в целях ирригации и реконструкции водохранилищ осуществляются огромные работы по безопасности и устойчивости конструкции водовыпускных сооружений. В стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в частности подчеркивается «...при развитии социальный сферы инженерно-коммуникационных направлений, ...коренное изменение обеспечение насилиений в сельской местности чистой питьевой водой, путём строительства новых водонапорных линий, путём развития инфраструктур и

модернизацией целевых программ». ¹ при этом четко запланированы осуществляемые работы по развитию научно-исследовательских работ с применением современных методик и технологии. Создание современных методов обеспечения безопасности в производственных комплексах и создание методов определения гидравлического удара в водовыпускных трубопроводах. Разработка методов оценки надежности использования сооружений и совершенствование технологии имеет большое значение в эксплуатации.

Данное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 25 сентября 2017 года ПП-3286 «О мерах по дальнейшему совершенствованию систем охраны водных объектов», ПП-2910 от 20 апреля 2017 года, «О программе комплексного развития и модернизации систем питьевого водоснабжения и канализации на 2017 - 2021 годы» в которых рассматриваются нормативно-правовые документы, принятые в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данная диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики XIV. «Сейсмология, сейсmobезопасность зданий, сооружений и строительство».

Степень изученности проблемы. Методами многофазной жидкости занимались ведущие ученые мира: Х.А. Рахматуллин, Л.С. Лейбензон, Л.И. Седов, Г.И. Баренблатт, Ю.А. Бувич, С.С. Григорян, А.Н.Крайко, В.П. Мясников, С. Соу, Дж. Хаппел, Р.И. Нигматулин и другие, которые вели научные исследования.

Идеи, методы и результаты исследований Х.А. Рахматуллина по теории движения многокомпонентных и многофазных сред воплотились в научные исследования в Узбекистане.

Учёные Республики Узбекистан успешно проводят исследования в этом направлении механики. В развитие теории многофазной жидкости в несён огромный вклад исследованиями Д.Ф. Файзуллаева, К.Ш. Латипова, А.А. Хамидова, О.И. Умарова, К. Наврузова, С.И. Худайкулова, И.К. Хўжаева, З.М. Маликова, И.Н. Хусанова, Ш.Х. Ахмедова и других.

В этих исследованиях изучены свойства смеси, осаждение частиц, геометрические размеры частиц, воздействие частиц на волны в водном потоке, характерные особенности пористых сред, взаимодействие и взаимопроникание фаз в пористых средах. Решены задачи и выявлены особенности взаимодействия тел и связей различных сред. Рассмотрены вопросы проникания тел и распространения волны в трубопроводах.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. УП-4947 «Стратегия действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

